

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ РИВОЖИ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

Партия етакчиси
Бухоро вилоятида
маҳаллий саноатни
ривожлантириш бўйича
олиб борилаётган ишлар
билан танишди

Жорий йилнинг 26 май куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳунармандчилик тармоқларини янада кенгайтириш, шу орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маҳаллий саноатни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда иш ўринларини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва иқтисодий салоҳиятни юксалтириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилди. Белгиланган вазифалар ижроси мамлакатимизда тадбиркорлик ва саноат сектори фаолиятини янада жонлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.



Бор меҳримиз сенга, болажон!


ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда



Ҳар бир бола – миллат келажаги, эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдевори. Уларнинг соғлом ва бахтиёр улғайиши бутун жамиятнинг эзгу мақсади ҳамда асосий вазифаларидан биридир. Айниқса, хасталик билан курашаётган, шифо излаётган нигоҳларда умид учқунини ёқиш, қонга муҳтож болажонларга ёрдам қўлини чўзиш – ҳар биримизнинг зиммамиздаги муқаддас бурчимиздир. Зеро, бу йўлда қилинган ҳар бир саъй-ҳаракат нафақат болалар саломатлигини тиклашга, балки уларнинг ота-оналари ва яқинлари қалбига чексиз қувонч, яшашга ишонч олиб киришга хизмат қилади.

Ана шундай олийжаноб мақсадларни кўзлаган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!" ШИОРИ ОСТИДАГИ БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК АКЦИЯСИ том маънода ҳаётбахш ташаббус сифатида юртдошларимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Партиянинг мазкур кенг қамровли лойиҳаси жамиятда донорлик ҳаракатини ривожлантириш ва унинг ижтимоий аҳамиятини юксалтиришга хизмат қилиш баробарида, бемор болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғайиб кетишига кўмаклашишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.



Депутатлар аҳоли муаммоларини МАНЗИЛЛИ ЎРГАНИШМОҚДА

– Жумладан, баъзи жойларда физиотерапевт мутахассислар деярли йўқ, касаллиги аниқланган болалар учун индивидуал соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилмаган, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Нодира Жонибекова. – Баъзи мактабгача таълим муассасаларида болалар соғлиғига доир назорат фақат қоғозда қолмоқда. Шунингдек, агар биз бугун мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлиғига бефарқ бўлсак, эртага соғлом жамият қуриш ҳақида гапиролмаймиз. Ҳар бир касалликни эрта аниқлаш, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий масъулиятдир.



Ўзбекистон –

Ҳиндистон:

ҲАМКОРЛИКЛАР ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР



Буюк Ипак йўлининг жанубий йўналишидаги Балх, Эрон, Ҳиндикуш тоғлари, Панжоб орқали ўтган тармоғи Ҳиндистонни Ўрта Осиё билан боғлаган. Бундан ташқари, Балх, Эрон, Хурмуз орқали Ҳиндистонга бориладиган сув йўли ҳам мавжуд бўлган. Бу йўллар орқали сўғдлик, бақтрлик, хоразмлик савдогарлар Эрон, Ҳиндистон, Шри Ланкагача бориб, ўзаро савдо алоқаларини амалга оширганлар. Шунингдек, улар Буюк Ипак йўлининг Фарғона водийси орқали ўтган марказий тармоғи бўйлаб Хитой, Кореягача бориб, қайтишда жанубий йўналиш билан Ҳиндикуш тоғлари оралаб, Кофиристон орқали Ҳиндистонга борган. Ундан сўнг Афғонистонга ўтиб, Эрон орқали ватанларига қайтишган. Ўша даврда Буюк Ипак йўли бўйлаб Ўрта Осиёдан Хитойга, Ҳиндистонга қадар сўғд колониялари, савдо шаҳарчалари ва маҳаллалари вужудга келган.



МАЪНАВИЙ ИНҚИРОЗ ИБТИДОСИ

Янги фармоннинг иловасига кўра, 2025 йилнинг август ойигача тўйлар, оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш бўйича парламент палаталари кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниши кўзда тутилган. Бундан ташқари, тўй-ҳашам, маърака ва маросимлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишлари кучайтирилади. Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш, ёшларда тежамкорлик маданиятини шакллантириш бўйича янги механизмлар назарда тутилади.





МАҲАЛЛИЙ САНОАТ РИВОЖИ — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

1 Аҳамиятлиси, “Адолат” СДП ўзининг Сайловолди дастурида ана шундай устувор йўналишларни амалга оширишга доир кичик саноат зоналари ва саноат кластерларининг фаолиятини жонлантириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, қонунчилик орқали саноат соҳасидаги ҳуқуқий база ва шароитларни яхшилашга қаратилган аниқ таклиф ва ташаббусларни илгари сурган. Уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш доирасида жорий йилнинг 29–30 май кунлари “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Робохон Махмудова бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб, ҳудудда маҳаллий саноатни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ҳолатини ўрганди.

Дастлаб партия етакчиси Ғиждувон қулолчилик мактаби раҳбари, моҳир қулол Алишер Нарзуллаев устaxonида бўлиб, миллий хунармандчилик ривожини, устоз-шогирд аънаъналарини ва тадбиркорлик фаолиятини, туризм хизматлари ҳамда бу борада амалга оширилаётган ташаббуслар бўйича суҳбатлашди. Таъкидлаш жоизки, қадимий ва бой тарихга эга Ғиждувон қулолчилик санъати бугунги кунда замонавий ижтимоий лойиҳалар билан уйғунлашган ҳолда янги тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Минг йиллар давомида халқимизнинг ноёб мероси сифатида эъзозланиб келинган бу хунар, айниқса, аҳоли, шу жумладан, ижтимоий кўмакка муҳтож юртдошларимизнинг бандлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

А.Нарзуллаев ана шундай ташаббускор ва фидойий инсонлардан бири. У бугун ўз хонадонини нафақат ижодий устxонага, балки маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрадиган жозибадор туристик масканга айлантирган. Бу ерга келган меҳмонлар Ғиждувон қулолчилигининг ноёб санъат асарлари билан танишиш баробарида миллий қулолчилик жараёнини бевосита ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлишмоқда. Айтиш жоизки, А.Нарзуллаев қулолчилик соҳасида саккизинчи авлод вақили. У аждодларидан мерос бўлиб қолган бебаҳо хунарни янада ривожлантириб, ўзининг ёрқин услубига эга бўлган қулолчилик мактабини яратди. Унинг

раҳбарлигида бир неча истеъдодли шогирдлар, жумладан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари ҳам хунар сирларини ўрганиш асносида доимий иш билан таъминланган.

Учрашув давомида Робохон Махмудова уста Алишер Нарзуллаевнинг лойиҳа доирасида олиб бораётган ишларнинг ижтимоий аҳамиятини алоҳида эътироф этаркан, маҳаллий хунармандлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, айниқса, эҳтиёжманд қатламларнинг ҳаёт даражасини яхшилашга хизмат қилувчи бундай эзгу ташаббусларни келгусида ҳам изчил давом эттириш муҳим эканини таъкидлади. Суҳбат чоғида давлатимиз раҳбарининг ҳудудларда маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари ва бу борада яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, хунармандчилик ва тадбиркорлиқни янада ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

— Дарҳақиқат, бундай ижтимоий лойиҳалар нафақат иқтисодий юксалтишга, балки миллий хунармандчилик аънаъналарини сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказишга ҳам хизмат қилади. Шундай экан, сизнинг тимсолингизда нафақат қулолчилик санъати даргалари, балки ёшларни меҳнатга ўргатиш, эҳтиёжмандлар бандлигини таъминлаш, хунар орқали инсон шайни ва қадрини юксалтиришга катта ҳисса қўшган фидойи соҳа вакиллари кўришсиниз мумкин, — деди Сийёсий Кенгаш раиси.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ мазкур туманининг XVI асрга оид ноёб мезморий ёдгорлик — қадимий ҳаммом иншооти, ўзига хос тарихий муҳит ва замонавий ижтимоий ташаббуслар масканига айланаётган “Кўргон” маҳалласига бориб, бу ерда зиёрат туризмининг ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш бўйича маҳалла аҳолиси иштирокини кенгайтириш ишлари билан танишди.

Маҳалладаги 513 та хонадоннинг етти тасига субсидия асосида меҳмон уйлари ташкил этиш режалаштирилганлиги ҳудуднинг туристик инфратузилма-

сини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Бу лойиҳа нафақат маҳаллий аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга хизмат қилади, балки Бухоро вилоятининг аънаънавий меҳмондўстлигини замонавий сервис билан уйғунлаштирган ҳолда, сайёҳларга янги тажриба тақдим этиш имкониятини ҳам яратди. Оилавий меҳмон уйлари хорижий ва ички туристларга маҳаллий турмуш тарзи билан яқиндан танишиш, миллий таомларни татиб кўриш ва ҳудуднинг ўзига хос маданиятини ҳис этиш имконини беради.

— XVI асрга мансуб қадимий ҳаммом маҳалламизнинг ўзига хос “таширф қозони”га айланган. Асрлар оша ўз жозибасини йўқотмаган бу тарихий иншоот бугун ҳам ташриф буюрувчилар учун қадим тарихга саёҳат қилиш имконини берувчи бебаҳо мерос сифатида хизмат қилмоқда. Унинг шу даврага қадар безавол сақланиб қолгани ва фаолият юритиши тарихимизга нисбатан юксак эътибор, уни асраб-авайлаш масъулиятини чуқур англаганимиз натижасидир, — деди Кўргонлиқлар.

Робохон Махмудова маҳалла аҳолиси билан мулоқот чоғида ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ намойён этиш, меҳмонларни юқори даражада қабул қилиш, аънаънавий хунармандчиликни ривожлантириш ва тарихий обидаларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш йўлидаги ташаббусларини юқори баҳолади.

— “Кўргон”да маҳаллий саноат, айниқса, миллий хунармандчиликни ривожлантириш ва шу орқали ички ва ташқи бозорларга сифатли маҳсулотлар етказиб бериш, қолаверса, ҳудудни сайёҳлар учун янада жозибали туристик масканга айлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд экан. Ўтмишнинг руҳи, бугунги кун нафаси ва келажакка бўлган ишончни ҳис қилаямиз. Албатта, амалга оширилаётган ишлорларнинг натижадорлигини атрофлича таҳлил қилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тарихий ва маданий мерос билан уйғунлиги нақадар муҳим эканлигини алоҳида эътироф этамиз, — деди партия фракцияси раҳбари.

Ўрганишларнинг кейинги манзили — “Нодирабегим” маҳалла фуқаролар

йиғинида ташкил этилган замонавий тикувчилик цехи бўлди. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, “Нодирабегим” корхонаси ўз фаолиятини дастлаб атиги 7 нафар аёл билан бошлаган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу муассаса 143 нафар хотин-қизга доимий иш ўрни яратиб берди. Уларнинг аксарияти кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мансуб. Тикувчилик цехининг ташаббускор раҳбари Дилнавоз Саидованинг фидойилиги туфайли ушбу лойиҳа нафақат янги иш ўринларини яратишга муваффақ бўлди, балки маҳаллий аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш ва ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнади.

Корхонанинг Ғиждувон туманидаги “Гулистонобод” маҳалласида joyлашган яна бир филиалида ҳам ўнлаб аёллар иш билан таъминланиб, ўз оилаларига барқарор даромад келтирмоқда. Ҳар икки корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлар ички бозорга узлуксиз етказиб берилмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига сезиларли ҳисса қўшапти.

— Айнан шу каби ижтимоий лойиҳалар халқ орасида адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хусусан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда муҳим ва самарали восита бўлиб хизмат қилаётганидан қувондик. Шу ўринда “Адолат” СДПнинг ҳар бир эзгу ташаббуси замирида ҳам инсон қадр-қиммати, ижтимоий фаровонлик ва барқарор тараққиёт каби улуғвор ғоялар мужассам эканлигини алоҳида таъкидласам, ўринли бўлади, — деди партия етакчиси тикувчи аёллар билан суҳбат жараёнида.

Шунингдек, мулоқотлар доирасида ишчи гуруҳ “Haj tekstil”, “Bosso tex” масъулияти чекланган жамиятлари, “Artei” техника ишлаб чиқариш тармоғининг вилотат филиалидаги иш жараёнлари, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти фаолиятини юксалтириш бўйича билдирилган таклиф ва муаммоларни ҳам таҳлил қилиди.

Илҳом АБДУҚАЮМ ўғли, журналист

Муносабат

Мамлакатимизда “инсон – жамият – давлат” таъмоийли конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиёт даражасида мустаҳкамланган. Шу боис охириги 7-8 йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда тўлиқ қўлланилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлат сифатида сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган ислохотларни аҳолимиз кундалик турмуш тарзида ҳис қилиб яшамоқда.

Янги сиёсатнинг амалий ифодаси



Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

Буни биргина тиббиёт ва таълим соҳаларидаги ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги 7 йилда тиббиёт ва таълимга ажратилаётган маблағлар 6-7 қарра оширилди. Маҳаллалардаги бирламчи бўғин билан ихтисослашган хизматларни боғлайдиган комплекс тизим яратилди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технологик амалиёт вилот ва туманларда ўтказилмоқда. Бўйрак кўчириб ўтказиш билан боғлиқ тиббий амалиёт ҳудудларда бажарилмоқда. Авваллари ушбу амалиёт учун фуқаролар вақти ва маблағини тежаб пойтахтга ёки хорижий давлатларга бориб даволанишга мажбур бўлишар эди.

Шунингдек, мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўқувчи ўринлари яратилди. Боғча билан қамров 3 қарра ошиб, 78 фоизга етди. Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм маош олаяпти. Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошиб, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди.

Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалар фарзандлари таълимига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар йили 2 минг нафар хотин-қизларнинг олий таълим оlishидаги харажатлари қоплаб берилмоқда. Яқин-яқингача имконияти чекланган болаларнинг аксарияти ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда таълим олишар эди. Президентимиз ташаббуси билан уларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши учун ҳам тўсиқсиз муҳит ва зарур шароитлар яратилди.

Даромади ва соғлиғини йўқотиб, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган фуқароларни қўллаб-қувватлаш кўлами босқичма-босқич кенгайтирилиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўлами кенгайтирилмоқда.

Яна бир муҳим ўзгариш, бу аҳолимизнинг иқтисодий имкониятларини ошанлигидир. Бундан беш йил аввал 23 фоиз ёки 7,5 миллион нафар аҳолимизнинг даромади камбағаллик чегарасига ҳам етмас эди. Ўтган даврда 3,5 миллион фуқаро учун даромад олиш имконияти яратилиб, камбағалликни 11 фоизга туширишга эришдик. Келгуси уч йилда яна 7 фоизга тушириш режа қилинган. Хусусан, камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жорий йил бюджетдан 500 миллиард сўм маблағ йўналтирилган. Яна бир янгилик — йил бошидан буён ижтимоий хизмат ва ёрдамлар ва имтиёزلарни ўзида мужассам этадиган ягона “Ижтимоий карта” тизими босқичма-босқич жорий қилинмоқда.

Буларга қўшимча равишда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса афвдор вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг белгиланиши каби ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида кўни кеча қабул қилинган “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Президент фармони жорий йил давомида аҳолимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва даромадлар орасидаги тафовутни камайтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлidir.

Фармон билан 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъминланган оилаларга болалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилиши белгиланди. Ушбу ташаббус аҳолининг катта қисми учун нафақат озиқ-овқат, балки дори-дармон, коммунал тўловларга ҳам ёрдам бўлади. Хусусан, болалар нафақаси миқдорининг ошиши оила бюджетига сезиларли енгиллик олиб келади. Масалан, уч нафар фарзанди бор оила ойига камида 740 000 сўм нафақа олади. Стипендия билан кун кечираётган талабалар учун китоб, транспорт, овқат ва бошқа эҳтиёжлар учун қўшимча маблағ пайдо бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси бугун конституциявий норма сифатида мустаҳкамланган “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” таъмоийли ҳар жаҳада намойён бўлаётганлиги ифодаляди.

Фракция йиғилиши

Давлат бюджетининг ижроси кўриб чиқилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида шу йил 26 май куни маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видео-селектор йиғилишида белгиланган муҳим чора-тадбирлар хусусида фикр алмашилди.

Депутатлар мазкур вазифаларни рўйига чиқаришда парламент ролини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунлар орқали маҳаллий саноатни ривожлантириш соҳасида адолат ва тенглик тамойилларини рўйига чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, йиғилишда Давлат бюджетини давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2024 йилдаги ҳамда 2025 йил биринчи чорадаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Йиғилишда халқаро миқёсдаги мурраккаб иқтисодий ва молиявий вазиятга қарамастан, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат томонидан устувор аҳамият берилган алоҳида таъкидланди. Хусусан, тиббиёт ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ва



соҳа инфратузилмасини яхшилаш бўйича тизимий ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

2024 йил якунига қадар Давлат бюджетининг даромад қисми 274,4 триллион сўмни ташкил этгани ва бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 18 фоизга ошгани маълум қилинди. Марказлашган инвестиция лойиҳалари доирасида

соғлиқни сақлаш соҳасидаги 178 та тиббиёт муассасасини қуриш ва таъмирлаш учун 1,4 триллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Депутатлар тиббиёт муассасаларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун 114,2 миллиард сўм маблағ ажратилганини, бу ишлар натижасида 156 та тиббиёт объекти фойдаланишга топ-

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда



1 Партиянинг навбатдаги хайрли акциясига жорий йилнинг 2 июнь куни старт берилди. Тадбир 1 июнь – Болаларни химоя қилиш халқаро кунига бағишлаб ўтказилаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Акциянинг илк кунлириданок партиянинг қўллаб-қувватлаётган фаоллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари, турли вазирлик ва идораларнинг ходимлари ҳамда кўнгилли фуқаролар катта иштиёқ билан Республика қон қўйиш марказларига кела бошладилар.

Партиянинг ушбу кенг қўллаб-қувватлаётган акциясидан қўзланган асосий мақсад – бемор болалар саломатлигини тиклашда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, аҳоли ўртасида бегараз ёрдам, меҳр-мурувват ва саховат туйғулари кучайтириш, республикадаги тиббий муассасаларда эҳтиёжмандлар, айниқса, болалар учун зарур бўлган қон ва унинг компонентлари захирасини шакллантириш, аҳоли орасида ихтиёрий ва бегараз донорлик маданиятини юксалтириш, жамиятда ижтимоий масъулият ҳиссини оширишдан иборат эканлиги қайд этилди.

– Юртимизда бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш, кўнгилли донорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга давлат даражасида катта эътибор қаратиб келинмоқда, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухаммадjon Валиев. – Хусусан, ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўрак нишони билан тақдирланган шахслар учун бирйўла бериладиган пул мукофотининг миқдори оширилди. Шунингдек, улара шахар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш, ўзлари учун қўлай бўлган вақтда ҳар йили меҳнат таътилига чиқш ҳамда давлат санаторий-курортларида даволаниш учун йўлланмаларни наватб-сиз олиш каби имтиёзлар берилди. Донорлик ҳаракатини омаллаштириш ва унинг нуфузини оширишда партиянинг томонидан аънанавий тарзда ўтказилаётган ушбу акциянинг ўрни беки-ёс. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз ўз ихтиёри ва қалб амри билан донорлик ҳаракатида фаол иштирок этиб, бемор болаларнинг саломатлигини сақлашдек эзгу ишга ҳисса қўшишаёт-гани эътиборга молик.

Дарҳақиқат, “Адолат” СДП ташаббуси билан 9 йилдан буён аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу хай-рий акцияси давомидида бугунги кунга қадар жами 9 минг 517 литрдан зиёд қон йиғилиб, бу орқали 44 минг 321 нафардан ортиқ болаларнинг саломатлигини тиклаш ва уларнинг ҳаётини сақлаб қо-лишга муносиб ҳисса қўшилгани таъ-сирга сазовор. Бу рақамлар ортита минглаб сақлаб қолинган ҳаётлар, оила-ларга қайтарилган қувонч ва келажакка бўлган умид муҳассас.

Партия Марказий аппарати томони-дан пойтахтимиздаги Қон қўйиш мар-казидан бошланган ушбу эзгу ташаббус бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг қўл-оч ёйди.

Жумладан, пойтахтимиз **ТОШКЕНТ ШАҲРИДА** ҳам мазкур акция доира-сидида тадбирлар юқори савияда ва кенг қўламда ташкил этилди. Уларда партиянинг фаол аъзолари, депутат-лар, айниқса, ёшлар катта иштиёқ би-лан қатнашдилар. Хусусан, партиянинг Миробод ва Яшнобод туман кенгашлари фаоллари томонидан акция тадбирлари юқсак ушшоққлик ва кўтаринки руҳда ўт-казилди. Мазкур хайрли тадбирларга эрта тонгдан партия Сийёси Кенгаши раиси Робохон Махмудова иштиро-кида старт берилди. Партия етакчиси ушбу акция жамиятимизда меҳр-оқи-бат, ҳамдардлик ва бирдамлик каби эзгу қадриятларни тобора мустаҳкамлаёт-ганини, инсонларни эзгу мақсадлар йў-лида жипслаштираётганини алоҳида эъти-роф этди.

Тошкент шаҳридаги тадбирларда жами 198 литрдан зиёд қон йиғилиб, бу пойтахт аҳлининг эзгулигига доммо хай-

рихоҳ эканлигини яна бир бор исбот-лади.

Акцияда таниқли тадбиркор, “Murad Buildings” компанияси асосчиси Мурод Назаров ҳам иштирок этиб, партия-нинг ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда, бемор болаларнинг учун ҳаёт томилирини улашди.

– Мен учун бу каби ижтимоий лой-ҳаларда қатнашиш, аввало, фуқаро-лик бурчимдир, – деди Мурод Наза-ров. – “Адолат” партиясининг Тош-кент шаҳар кенгаши билан доимий ҳамкорликда ишлаб, уларнинг эзгу ташаббусларини доим қўллаб-қув-ватлаб келаман. Бугунги акцияда иштирок этишимнинг сабаби оддий: биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этар эканмиз, аввало, соғлом жамият, соғлом келажакни қуришимиз керак. Унинг пойдевори эса соғлом болалар-дир. Ҳар бир томчи қонимиз бир бо-лаканинг ҳаётга қайтишига, бир ои-ланинг бахтиёрлигига сабаб бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишимиз ўзи улкан бахт. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш йў-лида яратилаётган имкониятлар жа-мият олдидидаги масъулиятимизни ҳам оширади. Агар биз амалий ишлари-миз билан ўрнат бўла олсак, эртага бу каби лойиҳалардаги кўнгиллилар сафи янада кенгайди. Шу сабабли “Бор меҳримиз сenga, болажон!” акциясида ҳар йили камиди 2-3 маротаба қат-нашаман ва барча ҳамкасбларимни, юртдошларимни ҳам шунга даъват этаман!

АНДИЖОН вилоятида ўтказилган тадбирларда 2 июнь куни эрта тонгдан вилоят қон қўйиш станциясига юзлаб кўнгиллилар – “Адолат” партияси фа-оллари, талаба-ёшлар, ўқитучилар ва турли соҳа вакиллари – “Мен донор-ман!” шiori остида ҳам бўлишди. Улар донорлик нафақат инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконияти, балки ҳамжиҳатлик ва жамият манфаатларига содиқлик рами экинини яна бир бор амалда намоён эт-дилар.

– Тадбир тўғрисида жамоатчилик орасида олдиндан кенг кайроғли тарғи-бот-тушултириш ишлари олиб борил-гани бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда, – дейди “Адолат” СДП Ан-дижон вилоят кенгаши раиси Мада-минжон Мадазимов. – Айниқса, Ан-дижон давлат тиббиёт институтининг талаба-ёшлари бу хайрли ҳаракатнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлмоқдалар. Тадбир иштирокчиси-ларга донорлиқнинг инсон оранизмига фойдали хиятлари, хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълу-мотларига кўра, мунтазам донорлар бошқаларга нисбатан ўртача 5 йил кўпроқ умр кўриши илмий ҳиятдан ишоблангани ҳақида ҳам батафсил тушултиришлар берилди. Акциянинг илк кунда вилоятда 29 литрдан ортиқ ҳаёт томчиси йиғилди.

САМАРҚАНД вилоятида ҳам бега-раз донорлик акцияси юқори савияда ташкил этилди. Аҳамиятли ҳияти шун-даки, партиянинг вилоят кенгаши фа-оллари ташаббуси билан вилоят Онко-гематология бўлимида даволанаётган бемор болаларга 1 июнь – Болаларни химоя қилиш халқаро кунини муноса-бати билан байрам совғалари улашил-ди, уларнинг дилларига бир олам қу-вонч, қалбларига эса соғайишга бўлган умид ва ишонч бахш этилди. Бу хай-рий лойиҳаси партиянинг дастурий го-ялари – ижтимоий адолат, инсонийлик ва эҳтиёжманд қатламни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги амалий қа-дамларидан бири сифатида яққол на-моён бўлди. Вилоят миқёсида ташкил этилган донорлик акцияларида эса 37 литрдан ортиқ қон йиғишга эришилди.

ЖИЗЗАХ вилоятидаги Олимпия ва паралимпия спорт турларига ихтисос-лаштирилган марказда ҳам хайрия ак-цияси юқори ушшоққликда ўтказилди. Таниқли спортчилар, уларнинг мураб-бийлари ва қўллаб ёшлар махсус жиҳоз-ланган донорлик автобусида қон топ-ширилди, болалар ҳаёти учун ўзларининг қимматли ҳиссаларини қўишди. Ишти-рокчилар бу каби акцияларни доимий ўтказиш зарурлигини алоҳида таъкид-лашди.

Спорт маркази мураббийи Жони-бек Хидиров “Бу тадбир ҳақида хабар



топишим билан унда иштирок этиш истаги тугилди. Бемор болалар ҳа-ёти учун ниятда зарур бўлган қонни топишириш мен учун катта шараф. Бу балки кичик бир амалдир, лекин унинг ортита улкан ҳаёт, беғубор орзулар турибди. Ҳар бир соғлом инсон шундай эзгу ишларда фаол иштирок этиши ке-рак, деб ҳисоблайман”, дея таъкидла-ди.

Вилоят миқёсида айни кунгача ўтқа-зилган донорлик акциясида 41 литрдан ортиқ қон йиғишга муваффақ бўлинди.

ФАРҒОНА вилоятида ҳам мазкур хайрли тадбирлар кенг қўламда ташкил этилди. Партия фаоллари, депутатлар, “Адолат” аёллар қаноти” ва “Ёш адо-латчилар” қанотининг фаол вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ходимлари хаста болаларнинг ҳаёти учун бебаҳо дармон – қон топиширишди. Айниқса, вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсиз-лиги бошқармаси ходимларининг фаол иштироки партия ташаббусларининг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, турли соҳа вакиллари – “Мен донор-ман!” шiori остида ҳам бўлишди. Улар донорлик нафақат инсон ҳаётини сақлаб қолиш имконияти, балки ҳамжиҳатлик ва жамият манфаатларига содиқлик рами экинини яна бир бор амалда намоён эт-дилар.

ҚАШҚАДАРЁ вилоятида ҳам юқ-сак фидойилик ва эзгу ниятлар билан амалга оширилган акция тадбирларида аҳоли ўртасида меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш асосий мақсад қилиб олинди. Партия вилоят кенгаши раиси Руйиддин Рауповнинг таъкидла-шича, ҳар қандай яхшилик ортита эр-тамиз эгалари бўлган болаларнинг бебаҳо ҳаёти туради ва бундай хайрли ишларда иштирок этиш ҳар бир онгли фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобла-нади. Қашқадарёлик “Адолатчилар” ви-лоят қон қўйиш марказида ўтказилаёт-ган акцияларда айни дамгача 68 литр қон йиғишга муваффақ бўлдилар, бу, ўз наватбиди, вилоятда мазкур эзгу ташаб-бусимиз омаллаштириб бораётганидан да-лолатдир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демо-кратик партияси **СУРХОНДАРЁ** вилоят кенгаши ташаббуси билан вилоят қон қўйиш марказида бегараз донорлик ак-цияси ўзгача шуқуҳда ташкил этилди. Айтиш жоизки, воҳода партия фаол-лари томонидан мазкур эзгу акция ҳар йили аънанавий тарзда икки-уч маро-таба ўтказиб келинмоқда. Бу эса юзлаб инсонларни қонга муҳтож бўлган бемор болаларга ҳаёт бағишлаш ва улар-нинг соғайиб кетишларига ҳисса қўиш-дек хайрли ва ақилоий иш атрофида бирлаштирмоқда. Акцияда партиянинг барча даражадаги ходимлари, халқ де-путатлари маҳаллий Кенгашлари депу-татлари, партия аъзолари ва фаоллари, кўнгиллилар, шунингдек, ҳуқуқни муҳо-фаза қилувчи органлар ҳамда бошқа турли соҳа вакиллари фаол иштирок эт-моқдалар.

– Партия ташаббуси билан ўтқа-зилаётган хайрли тадбирнинг аъна-навий тарзда давом этиб келаётгани биз, тиббиёт ходимларини беҳад қу-вонтиради, – дейди вилоят қон қўйиш маркази бош шифокори Мирзохид Уроқов. – Мазкур бегараз донорлик ак-циясида турли касалликлар ёки бахт-сиз ҳодисалар туфайли қонга муҳтож бўлган бемор болаларга ҳаёт бағишлаш ва уларнинг соғайиб кетиш-ларига қўмақлаштириб эзгу ниятда ҳарбий хизматчи ва ходимлар ҳам их-тиёрий равишда қон топишмоқдалар. Шунингдек, хайрия акцияси самардо-ринлиги ошириш мақсадида тиббиёт ходимларидан иборат махсус сайёр гу-руҳлар ташкил этилиб, улар томони-

дан Сурхондарё вилояти Жануби-ғар-бий махсус ҳарбий округининг ҳарбий қисмида ҳам кўнгилли ҳарбий хизмат-чилар бемор болаларнинг учун қон то-пишмоқдалар.

– Кўнгиллилар сафида туриб, бе-мор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишдек улуғ ишга ўз ҳиссамни қў-иш мақсадида мен ҳам донор бў-лишга аҳд қилдим. Қон тахилларим ижобий чиқиб, донорлик қилишим му-мкинлигини айтишганида жуда хурсанд бўлдим. Келгусида ҳам бундай эзгу ишларга ҳисса қўиш мақсадида мунта-зам донор бўлишга қарор қилдим, – дей-ди оддий аскар Хўришд Қўрбонов.

Сурхондарёлик фаолларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида бугунги кунгача 76 литр қон йиғилди.

БУХОРО вилоятида ҳам “Адо-лат” СДП вилоят кенгаши томонидан “Бор меҳримиз сenga, болажон!” шiori остида бегараз донорлик акцияси му-нтазам ўтказиб келинмоқда. Ушбу хай-рия акцияси жамиятда инсонларварлик ва меҳр-оқибат гояларини кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда. Тадбирда иштирок этган тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, кўнгилли донорлар ўз қони билан қўллаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолиши мумкин, чунки турли жар-роҳлик амалиётларининг муваффақ-ияти ўтишида, онкология ва гемато-логик касалликларни даволашда, баъзан шовишминг туғруқ жараёнларида, турли бахтсиз ҳодисаларда қон ва унинг ко-мпонентларининг аҳамияти ҳаёт-мамат масаласидир. Донорлик, айни пайтда юрак ва қон томчилари саломатлигини мустаҳкамлайди. Илмий тадқиқотларга кўра, йилгача камиди бир марта қон то-пириш юрак хуружи хавфини 88% гача камайтириши мумкин.

Бухоролик партия фаоллари томони-дан 184 литрга яқин ҳаётбахш томчилар йиғилди.

СИРДАРЁ вилояти қон қўйиш стан-циясида ўтказилган тадбирларда “Адо-лат” СДП вилоят кенгаши ходимлари, партиянинг “Ёшлар қаноти”, “Аёллар қа-ноти” фаоллари, туман ва шаҳар ке-нашлари раислари ҳамда Гулистон шаҳар кенгаши депутатлари, шунингдек, қўллаб кўнгилли фуқаролар фаол ишти-рок этишди.

Маъмулотларга кўра, ҳар бир мамла-кат аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун ҳар 1000 нафар ки-шига камиди 30 нафар донор тўғри ке-лиши, қон компонентлари билан узлуқ-сиз таъминлаш учун эса ҳар 1000 на-фарга 10 нафар донор ёки аҳолининг камиди 1 фойзи донор сифатида мунта-зам иштирок этиши зарур ҳисобланади. – Ҳозирги кунда айрим сабабларга кўра донорлар сони нисбатан камайиб бо-раётган бир пайтда “Бор меҳримиз сenga, болажон!” каби хайрия акцияла-рининг ўтказилиши айни мудоавидир. Кунига ўнлаб тезкор жарроҳлик опе-рациялари, шовишминг туғруқ ҳолат-лари, автохалокатлар ва бошқа турли фақуллода вазиятлар содир бўлади. Ана шундай пайтларда бизга зудлик билан қон керак бўлади. Агар захирада етарли миқдорда қон бўлмаса, биз бе-морга ўз вақтида ёрдам бера олмасли-гимиз мумкин. Шу боис, донорлар сони доимий равишда қўлаиб, қон захира-сиз олиши ҳаётий заруратдир, – дей-ди Сирдарё вилоят қон қўйиш мар-кази бўлими мудири М.Аликулова.

Сирдарёлик партиядошлар ҳам ушбу хайрли тадбирда юқсак фаол-лик кўрсатиб, 56 литрга яқин ҳаёт-бахш томчиларни йиғишга муваффақ бўлишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБ-ЛИКАСИ Кенгаши ташаббуси билан Республика қон қўйиш марказида “Бор меҳримиз – сenga, болажон!” шiori остида 2 июндан 13 июнгача давом эт-диган бегараз донорлик акциясига старт берилди. Акцияда турли соҳа вакил-лари, партия фаоллари, тиббиёт ходим-лари ва кўнгилли фуқаролар иштиёқ би-лан қатнашмоқда.

– Қон топириш – бу нафақат тиб-бий жараён, балки, энг аввало, инсон ҳаётини сақлаб қолиш учун имкони-ятдир. Ҳар йили шундай эзгу тадбир-ларда иштирок этишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан. Болалар учун қилган ҳар бир эзгу ишмиз, яхши-лигимиз ҳаётимизга ўзгача фойд ва ба-рака келтиришига, албатта, бир кун яхшилик бўлиб қайтишига ишонаман, – дейди партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси ўринбо-сари Рауаз Отарбаев.

Қорақалпоғистонлик сафдошлари-миз ҳам бугунгача 39 литрдан ортиқ қон йиғишди.

НАВОЙИ вилояти қон қўйиш станциясида ўтказилган донорлик ак-циясида тегишли вазирлик ва идора-ларнинг вилоят бошқармалари, улар-нинг қўйи бўлиналари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимлари, партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, турли даражадаги партия ташкилот-лари маъсуллари, “Адолатчи аёллар” ва “Ёш адолатчилар” қанотлари кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилот-лари вакиллари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари бир мақсад йўлида бир-лашиб, фаол иштирок этишди.

– Қон топириш, яъни донорлик, биринч наватбда, донорнинг ўз са-ломатлиги учун фойдали. Мунтазам қон топириб турувчи инсонлар ор-ганизми қон ўқотиш ҳолатларига чидамли бўлади. Фақуллода ҳолат-лар ўз бериб, кўп миқдорда қон ўқў-тишга тўғри келганда, донорлар бир литргача қон ўқотилишига ҳам бе-малол чидаши мумкин бўлади, – дейди вилоят қон қўйиш станцияси бўлим бошлиғи Собир Турсунов.

Навоийлик “Адолат”чилар 57 литр-дан зиёд қон жамғаришди.

ХОРАЗМ вилоятида ҳам 2 июнь ку-нидан бошлаб вилоят Қон қўйиш мар-казида ҳар кун эрта тонгдан бошлаб қўллаб кўнгилли юртдошларимиз, ви-лоятда фаолият юритиб келаётган дав-лат ва ҳовдат ташкилотлари, жумла-дан, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқар-маси, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-ам-лий тиббиёт маркази Хоразм филиали, Кўп тармоқли вилоят Тиббиёт маркази, Кўп тармоқли вилоят Болалар тиббиёт маркази, вилоят Фақуллода вазият-лар бошқармаси, 53008-сонли Ҳарбий қисм хизматчилари, «Хоразм» телепа-диокомпанияси, «Ўзбекистон-24» теле-каналли ва «ЎЗА» вилоят бўлими муҳи-рлари ҳамда бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлардан кўнгиллилар, партия

фаоллари ва депутатлари ушбу хайрли акцияда фаол иштирок этмоқдалар. Ак-цияда партиянинг вилоят кенгаши раиси Содиқжон Содиқов, вилоят кенгаши ра-иси ўринбосари Жамолбек Абдуллаев, Урганч шаҳар кенгаши раиси Рустамбой Болтаев, Урганч туман кенгаши раиси Дилмурод Норметовлар биринчилардан бўлиб қон топириб, ўзларининг юқсак инсонийлик бурчларини адо этдилар.

– Ҳар йили партия ташаббуси билан ташкил этиладиган донорлик акция-сида доимий равишда фаол иштирок этаман. Бу сафар ҳам эрта тонгдан вилоят Қон қўйиш марказига келиб, барча тиббий талабларга риоя қилган ҳолда қон топириб, топишган қоним бемор болаларнинг соғлом ҳа-ётга қайтишида озинга бўлса-да асқо-тишини жуда-жуда истаиман, – дейди урганчлик акция иштирокчиси Эргаш-бек Матчанов.

– Фарзанд, набаира касал бўлса, ота-она, буви-бувалар учун бундан оғир дард бўлмаса керак, – дейди қўзла-рида ёш билан бемор болажон Лазиз-бек Отаназаровнинг бувиси Дилбар Жумайёзова. – Етми яшар набаирам Лазизбек олти ойлигидан бошлаб на-слил гемолитик анемия – талассемия касаллигига чалинган, мана, неча йл-дири, уни даволатиб келамиз. Шу давр мобайнида моддий қийинчиликлар ҳам ўз таъсирини ўтказмай қўймади, ал-батта. Лекин энг муҳими, набаирамга мунтазам қон қўйиш керак. Мана шун-дай пайтларда партия фаоллари то-монидан бегараз донорлик қўлиб ке-лилаётгани бизга катта далда бўл-моқда. Буун ҳам набаирамга фаоллар бегараз донорлик қилишди. Барча та-шкилотчилардан, саховатпеша инсон-лардан беҳад миннатдоримиз.

Хоразмлик сафдошларимиз жами 22 литрга яқин ҳаёт томчиларини йиғишга эришдилар.

НАМАНҒАН вилоятида ҳам ушбу хайрли ташаббус кенг қўлч ёзмоқда. Жумладан, вилоятдаги “Адолат” СДП фаоллари томонидан Янги Наманган ту-мани ҳудудий электр тармоқлари корхо-насида ҳам донорлик акцияси ушшоқ-лик билан ўтказилди. Акция аввалида қон қўйиш маркази мутахассислари до-норлигининг инсон саломатлигига ижо-бий таъсири ҳамда унинг ижтимоий ҳиятдан юқсак аҳамияти ҳақида ба-тафсил маълумот беришди. – Вилоят қон қўйиш марказининг кўчма брига-даси ва “Адолат” СДП туман кенгаши ташкилотчилигида ўтказилган мазкур акцияда ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг қўллаб ишчи-ходимлари ва бошқа кўнгилли қон топирувчилар фаоллик кўрсатмоқда, – деди корхона юристи, бошланғич партия ташки-лоти раиси Дилшодбек Раҳимов.

Намангандаги тадбирлар натижасида 25 литрга яқин қон йиғилди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ кенгаши та-шаббуси билан акция доирасидаги тад-бирлар Олмалик шаҳридаги қон қабул қилиш бўлимида юқори савияда ташкил этилди. “Бор меҳримиз сenga, болажон!” шiori остида ўтказилаётган тадбирда юзлаб партия фаоллари, оддий фука-ролар ва волонтер ёшлар ихтиёрий ра-вишда иштирок этишди.

– Бугунги акцияда иштирок этганим-дан гоят миннуман. Қон топириш орқали бир беғубор боллага ҳаёт, унинг ота-онасига эса чексиз умид бағишлаш имкониятига эга бўлганимни юракдан ҳис этдим. Бу мен учун катта шараф. Илгарилари ҳам бир неча бор донор бўлганман, аммо бу галга акция айнан болалар учун ушотирилгани боис, унга алоҳида маъсулият ва ишонч билан ён-дашдим, – дейди партия фаоли Мурод Давлатов.

Тошкент вилоятидаги тадбирларда 61 литр қон йиғилди.

“Адолат” СДП ташаббуси билан ўтказилаётган “Бор меҳримиз сenga, бола-жон!” каби инсонларварлик акциялари жамиятда бирдамлик, ўзаро ёрдам ва меҳр-мурувват муҳитини янада мустаҳкамлашга, инсонлар қалбиди эзгу-ликка интилиш туйғулариини жўш урдиришга хизмат қилмоқда.

Зотан, донорлик – бу шунчаки қон топириш эмас, балки бемор болажон-ларга ҳаёт бағишлаш, меҳр улашини ва инсон қадрини улуғлашдир.

Эслатиб ўтамиз, “Адолат” СДП ташаббуси билан жорий йилнинг 2 июнь куни старт берилган мазкур бегараз донорлик акцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб 13 июнь кунига қадар давом этади.

Келинг, сиз ҳам ушбу эзгулик қарвонига қўшилиш!

Бемор болаларнинг соғайиб, ҳаётга қайтиши учун ўз хиссангизни қўшин!

Зеро, ҳар бир томчи қон – ким учундир ҳаёт демакдир!

Депутатлар аҳоли муаммоларини манзилли ўрганишмоқда

Статистик таҳлилларга кўра, юртимизда сўнгги йилларда болалар ўртасида таянч-ҳаракат тизимига оид хасталиклар, жумладан, яссиоёқлик ва сколиоз каби муаммолар сезиларли даражада кўпайган. Масалан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг камида 22 фоизда ушбу касалликлар қайд этилаётганини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида профилактик чоралар самарадорлигини ошириш, тиббий кўрикларни эрта босқичда йўлга қўйиш ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда. Чунки, мамлакат келажаги бўлмиш болаларнинг баркамол авлод сифатида вояга етиши уларга бу борада яратилаётган шароитларга чамбарчас боғлиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан жойларда олиб борилаётган ўрганиш ва учрашувлар жараёнида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий кўрикларни ташкил этиш ва профилактик ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Мактабгача таълим муассасалари ва оилавий поликлиникаларда болалар ўртасида профилактик кўриклар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, аҳолининг яшаш шароити, таълим ва тиббий хизматларга бўлган имкониятлари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизмат, муаммо ва тақлифларини ҳал этиш самарадорлиги фракция аъзолари иштирокида жойларда манзилли ўрганилмоқда. Ўтган ҳафтада "Адолат" СДП депутатлари томонидан бир қатор ҳудудларда амалга оширилган тадбирлар чоғида мазкур йўналишдаги муҳим ижтимоий масалалар таҳлил қилиниб, тегишли ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилди ва муаммолар ечими бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Рашидова партиянинг жойлардаги амалий фаолияти доирасида Нукус шаҳридаги бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга муассасалар фаолияти билан танишди. Ўрганишнинг асосий мақсади партия иш-режасида назарда тутилган "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик!" лойиҳасининг жойларда самарали амалга оширилишини таҳлил қилиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ва тиббий ҳолати юзасидан амалий ҳусласаларни шакллантиришдан иборат бўлди.

Хусусан, Нукус шаҳар 1-сонли оилавий поликлиникада ташкил этилган тиббий кўрик жараёнлари билан танишар экан, депутат ушбу лойиҳа нафақат тиббий хизмат кўрсатишини яхшилаш, балки жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишда ҳам муҳим ўрин тутишини қайд этди. Кўриклар, асосан, болалар орасида кенг учрайдиган яссиоёқлик ва сколиоз каби таянч-ҳаракат тизими касалликларини эрта аниқлашга қаратилган. Нодира Рашидова шифокорларга профилактика ишларини кучайтириш, тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда ҳар бир боланинг тўғри ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирларни самарали ташкил қилиш бўйича тавсиялар берди.

Ўрганиш жараёнида депутат Нукус шаҳридаги эшитиш ва нутқда муаммоси бор болалар учун мўлжалланган 4-сонли махсус мактаб-интернати фаолияти билан ҳам яқиндан танишди. 1973 йилда ташкил этилган ушбу муассаса бугунги кунда юзлаб имконияти келган болаларга таълим ва тарбия беришда муҳим ўрин тутмоқда. Интернатда болалар учун махсус ўқув дастурлари, логопед ва дефектолог мутахассислар, психокоррекция машғулотлар, шунингдек, индивидуал ёндашув асосланган таълим методикалари жорий этилган. Депутат таълим муассасасида яратилган шароитларни юқори баҳолаб экан, бундай болаларнинг жамиятда тўлақонли ҳаёт кечирिशлари учун уларга яратилаётган имкониятларни янада кенгайтириш, психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизmlарини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Нодира Рашидова интернатда таълим олаётган болалар билан мулоқот қилиб, уларнинг орзулари, эҳтиёжлари ва тақлифларини тинглади. Уларни 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни билан табриклаб, эсдалик сўғаларини топширди.

ХОРАЗМ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тоҳир Полвонов Янгиерки туманидаги 1-сонли мактабгача таълим ташкилоти фаолияти билан танишиш мақсадида ўрганиш тадбирларини амалга оширди. Жараён доирасида у муассасада болаларнинг

– Ҳар бир боланинг соғлом ўсиши – мамлакатимиз келажаги учун пойдевор саналади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Тоҳир Полвонов. – Агар биз ота-оналар ва тарбиячилар билан ҳамкорликда болалар саломатлигига муносиб эътибор қарата олсак, касалликларни ўз вақтида аниқлаб, даволаш чораларини кўрсак, келажақда баркамол авлодни тарбиялашга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Учрашув якунида Тоҳир Полвонов мактабгача таълим ташкилоти раҳбарияти ҳамда тиббиёт ходимларига болалар саломатлигига эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

ҚАШҚАДАРЁ. Қамаш туманида амалга оширилаётган ислохотлар, маҳаллий ташаббуслар ва ўзгаришлар билан танишиш, ҳудуд аҳолиси билан яқиндан мулоқот қилиш орқали мавжуд муаммоларга ечим топишни мақсад қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Эркин Ҳайитов ўз ўрганишини "Ўртачим" маҳалласида жойлашган "VVU Azamat" МЧЖдан бошлади.

Ушбу корхона бугунги кунда ширинмия ва гулхайри каби шифобахш доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослашган. Корхона йил давомида 380 тоннадан зиёд маҳсулот етиштириб, уни хорижий бозорларга экспорт қилмоқда. Бу – нафақат маҳаллий иқтисодиёт, балки мамлакат экспорт салоҳияти учун ҳам муҳим қадам. Мулоқот чоғида Эркин Ҳайитов корхона раҳбарияти билан суҳбатлашар экан, мавжуд имкониятларни кенгайтириш, бозорни янада диверсификация қилиш, маҳаллий маҳсулотларни халқаро стандартларга мослаштириш бўйича аниқ тақлифлар берди.

– Бугун ҳар бир юртдошимиз ўз ердан унумли фойдаланса, бу нафақат унинг оиласи, балки жамият фаровонлигини ошириш, бозорларимизда нарх-наво барқарорлигини сақлашда муҳим омили бўлади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Эркин Ҳайитов. – Биз бундай илғор тажрибаларни оммалаштириш, аҳолини амалий машғулотларга жалб этиш орқали ишсизликнинг олдини олишимиз, оилаларнинг моддий барқарорлигини таъминлашимиз мумкин. Эндликда томорқалардан оқилона фойдаланиш, маҳаллий илғор тажрибаларни кенгайтириш, фермер ва тадбиркорларга амалий ёрдам бериш бўйича ишларни



лар юзасидан Тоҳир Полвонов муассасанинг тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашиб, касаллик сабаблари, уларни бартараф этиш усуллари ҳамда профилактика ишлари бўйича атрофлича фикр алмашди.



донларида меҳмон бўлди. Шунингдек, "Нурмамат бобо" фермер хўжалигининг ғалла ва пахта майдонларини кўздан кечирди. Фермер хўжалиги раҳбари Раҳматулло Одинаев билан суҳбатлашди.

СИРДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекованинг Сардоба, Гулистон ва Мирзабод туманларида аҳоли вакиллари билан ўтказиётган учрашувлари нафақат очиқ мўлоқот, балки мавжуд муаммоларни жойида аниқлаб, ҳал қилишга қаратилган амалий ташаббуслар билан янада самарали кечди. Сафар давомида депутат мактабгача таълим муассасаларида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, яссиоёқлик ва умуртқа қийшиқлиги (сколиоз) каби муаммоларни эрта босқичда аниқлаш ва бартараф этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Сўнгги йилларда юртимизда болалар соғлиғига эътибор кучайгани бора-бариди мактабгача таълим муассаса-



ларида доимий тиббий назорат жорий этилди. Айтиш жоиз, бу ҳолат ўз самарасини бермоқда – кўпала ҳолатларда яссиоёқлик ва умуртқа сколиоз ҳам эрта аниқланиб, ота-оналар билан ташунтириш ишларини йўлга қўйиш асосида бартараф этиш чоралари қўрилди. Бироқ ўрганишлар шуни кўрсатдики, мавжуд тизимда ҳал этилмаган муаммолар хануз мавжуд.

– Жумладан, баъзи жойларда физиотерапевт мутахассислар деярли йўқ, касаллиги аниқланган болалар учун индивидуал соғломлаштириш дастурлари ишлаб чиқилмаган, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Нодира Жонибекова. – Баъзи мактабгача таълим муассасаларида болалар соғлиғига доир назорат фақат қозғола қолмоқда. Шуни унутмайликки, агар биз бугун мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлиғига бефарқ бўлсак, эртага соғлом жамият қуриш ҳақида гапира олмаيمиз. Ҳар бир касалликни эрта аниқлаш, бу нафақат тиббий, балки ижтимоий масъулиятдир.

Депутат мазкур масалаларни шунчаки қайд этиш билан чекланмай, улар бўйича аниқланган муаммоларни назоратга олди. Мутасадди ташкилотлар билан бирга соғломлаштириш тизimini такомиллаштириш, ҳар бир боғчада физиотерапевт ва малакали мутахассислар фаолиятини йўлга қўйиш, зарурат бўлса пилот лойиҳаларни бошлаш тақлифини илгари сурди.

СУРХОНДАРЁ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Зухриддин Мавлонов аҳоли билан очиқ мўлоқот ўтказиш асосида мавжуд муаммоларни жойида таҳлил қилиш ва аниқ ечимлар тақлиф этиш мақсадида ўрганиш ишларини Шеробод туманидаги Халқ қабулхонасидан бошлади. Бу ерга келган ҳар бир фуқаро билан юзма-юз суҳбатлашиб, муносабатларини диққат билан тинглади, ҳуқуқий маслаҳатлар берди, айрим масалаларга жойида ечим топишга ҳаракат қилди. Депутат томонидан аҳоли орасида энг кўп нозилик туғдираётган муаммолар ўрга-



нилди. Улардан бири ичимлик суви таъминотида.

Дастлабки ўрганишлар давомида "Қўрғон" МФЙ ҳудудида жойлашган сув тозалаш иншооти фаолияти кўздан кечирилди. Ўрганиш чоғида мазкур иншоот атрофдаги "Мажнунтол" ва "Галагузар" маҳаллаларига ичимлик суви узатишга мўлжалланган бўлса-да, сув босими пастлиги боис, аҳолига узоқ муддатдан буён тоза сув етиб бормаётгани аён бўлди. Бу аҳвол нафақат қулайлик, балки соғлиқ, гигиена, ҳатто болалар саломатлиги билан боғлиқ долзарб муаммо экани таъкидланди. Аҳоли вакиллари муаммони ечишда депутатдан амалий ёрдам сўради.

Шунингдек, "Амиробод" ва "Дўқир" кишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси ҳам сув танқислигидан азият чекмоқда. Депутатга билдирилишича, ушбу ҳудудга яқин жойлашган "Олмабулоқ" бўлоғидан сув олиб келиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган ва унга бюджетдан маблағ ҳам ажратилган. Аммо булоқдан тортиладиган қувурлар Шерободдаги ўрмон хўжалиги қўриқхонаси ҳудудидан ўтиши лозим бўлгани сабабли экологик мувофиқлаштириш масалалари кечикмоқда. Аҳоли эса ушбу ҳуқуқий-техник тўсиқларни енгиб ўтишда депутатга юзланди.

Зухриддин Мавлонов аниқланган муаммолар юзасидан тегишли таҳлилларни амалга ошириб, уларни ҳал этиш чораларини муҳокама қилиш учун маҳаллий кенгаш депутатлари, туман ва шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари билан учрашув ўтказди. Масалани тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал қилиш чораларини кўради-ган бўлди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ойдин Абдуллаева Чилонзор туманидаги мактабгача таълим муассасаларидаги ҳолатни ўрганиш тадбирлари доирасида 204-сонли ва 439-сонли мактабгача таълим ташкилотларида бўлиб, мазкур муассасаларнинг моддий-техник базаси, таълим-тарбия жараёни, болаларнинг соғлиғи ва баркамол ав-

лод бўлиб вояга етиши учун яратилган шароитлар билан танишди.

Маълумотга кўра, 204-сонли мактабгача таълим муассасаси тўздан реконструкция қилинган бўлиб, бугунги кунда бу масканда 765 нафар болажон тарбияланмоқда. Ташкилот барча зарур жиҳозлар ва воситалар билан таъминланган. Унда болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланишига йўналтирилган комплекс ёндашув асосида фаолият ташкил этилган. Бинонинг ички қисмидаги санитар-гигиеник шароитлар, ўйин ва машғулот хоналари, овқатланиш тизими юқори баҳоланди. Шунингдек, муассасада психолог, ҳамшира ва жисмоний тарбия тренерлари доимий ишлайди. Улар болалар билан индивидуал ёндашув асосида иш олиб бораётгани эътироф этилди.

Шунингдек, 439-сонли МТТ ҳам капитал таъмирдан чиқарилган бўлиб, ҳозирги кунда 179 нафар бола таълим-тарбия оляпти. Ташкилотдаги таълим жараёни замонавий талаблар асосида ташкил этилган, болаларнинг билим олиши ва кўникмалар шакллантириши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жараён доирасида депутат мактабгача таълим муассасаларида болалар саломатлиги ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳар икки боғча туман поликлиникасига бириктирилган бўлиб, болалар йилгига бир марта умумий тиббий кўриқдан ўтказилади. Тор мутахассислар томонидан аниқланган патологиялар бўйича ота-оналарга тегишли тавсиялар берилади. Шу асосда боғча ҳамширалари томонидан мунтазам мониторинг олиб борилади.

Олиб борилган текширувлар натижасида 204-сонли боғчада 12 нафар, 439-сонли боғчада эса 3 нафар болада яссиоёқлик аниқлангани маълум бўлди. Муассасаларда мазкур ҳолат бўйича болалар билан спорт ва соғломлаштириш машғулотлари олиб борилаётган бўлса-да, бу борада етарли инфратузилма йўқлиги депутат эътиборини тортиди. Муассаса раҳбарияти билан мулоқот давомида болалар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган махсус спорт жиҳозларига эҳтиёж борлиги алоҳида қайд этилди. Бундай жиҳозлар нафақат мавжуд ҳолатни бартараф этиш, балки профилактикада ҳам муҳим аҳамият касб этади. Депутат Ойдин Абдуллаева мазкур масалани муҳокама этиш ва мутасадди идораларга тегишли тақлиф ва муносабатлар йўллаш вазифасини бепгилаб олди.

**"Адолат" СДП
Марказий аппарати
етақки мутахассиси
Илҳомжон
АБДУСАЛОМОВ
тайёрлади**



“Долзарб 90 кун”

ЁЗ
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧУН
МАЗМУНЛИ ВА
САМАРАЛИ ЎТАДИ

Айни кунларда юртимиз бўйлаб барча ҳудудларда ўқувчиларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида амалий ишлар бошланган.

Оқибатхон АҲМЕДОВА,
Норин туманидаги 1-умумий ўрта таълим
мактаби директори, халқ депутатлари
туман Кенгаши депутати

Ушбу жараён 565 нафар ўқувчи таълим олаётган мактабимизда ҳам авжида. Дастлаб ўқувчиларнинг ҳар бири билан яқка тартибда суҳбат олиб бориб, уларнинг қизиқишларини ўрганиб чиқдик. Шунда 56 нафар ўқувчи Норин ёзги оромгоҳида дам олиб қайтиши маълум бўлди.

Бу йилги ёз чин маънода “Долзарб 90 кун” — нафақат дам олиш, балки фарзандларимиз учун янги кўникмалар, қизиқarli машғулотлар ва унутилмас дамлар кунига айланади.

Видеоселектор йиғилишида Президент томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида ривожлантирилган ташаббус болажонларнинг билимини



мустақамлаш, жисмоний чиникишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга имкон беради. Бу мақсадларни амалга ошириш учун 26 та тўгарак ташкил этилган. Кунлик машғулотлар эрталаб соат 9дан 11гача давом этади. Демак, икки соатлик жараёнда ўқувчилар қизиқarli спорт, китобхонлик, мусиқа ва замонавий медиа саводхонлик бўйича машғулотларда иштирок этадилар.

Ушбу жараён бошланганидан бери ўқувчиларимиз кайфиятида кўтаринкилик пайдо бўлиб, натижалар кўзга ташлана бошлади.

Тўқсон кунликка мўлжалланган лойиҳанинг кейинги босқичларини янада қизиқarli ўтказиш бўйича алоҳида дастурлар яратиш устида иш олиб борилмоқда. Чунки фарзандларимизнинг янги ўқув йилига ўзгача кайфиятда қайтишлари ота-оналар ва биз, устозлар учун муҳим аҳамият касб этади.



6 июнь Қурбон ҳайити байрами

Ҳар нарсанинг сири “Сабрдадир”...

- Аччиққа сабр этарсан номи “Матонат” бўлур...
- Очликка сабр этарсан номи “Рўза” бўлур...
- Инсонларга сабр этарсан номи “Сабр-тоқат” бўлур...
- Тилакларга сабр этарсан номи “Дуо” бўлур...
- Туйғуларга сабр этарсан номи “Кўз ёш” бўлур...
- Сөгинчага сабр этарсан номи “Ҳасрат” бўлур...
- Севгига сабр этарсан номи “Ишқ” бўлур...

Жалолиддин РУМИЙ

ТҲҲҲҲ

Шайх Али Тантовий айтадилар:

Қизимнинг озрок ловия ва гуручни бир патнисга солиб устига бақлажон, бодринг ва бир-иккита ўрик солиб чиқиб кетаётганини кўрдим.

— Кимга элтаясан? — деб сўрадим.

— Қоровулга, бувим айтдилар, — деди у.

— Бу ёққа кел. Бир-иккита ликопча олиб кел. Ҳар бир таомни алоҳида ликобчага сол. Патнисни тартибга сол. Бир қадахга сув сол, қошиқ ва санчқи кўй, — дедим.

У айтганимдай қилиб патнисни қоровулга бериб келди. Қайтишда олдимга келиб сўради:

— Нега ундай қилдингиз?

Бир сўз билан айтганда, тўйларни ихчамлаштириш бугунги кунда халқимиз маънавий юксалишининг муҳим кўрсаткичига айланиши керак. Зеро, ихчам ва мазмунли тўйлар миллий ўзгичилигини асраш, ёвзлашининг асосий мезони сифатида хизмат қилади.

— Таом бериш мол билан садақа қилишдир. Тартиб эса туйғу билан садақа қилишдир. Биринчиси қоринни тўйдирса, иккинчиси қалбни тўлдиради.

Биринчисидан қоровул ўзини биздан ортган таомга муҳтож тиланчидай ҳис қилади. Иккинчисидан эса ўзини яқин дўст, азиз меҳмонимиздай ҳис қилади.

Мол бериш билан руҳ бериш ўртасида катта фарқ бор. Ана шу иккинчиси Аллоҳнинг наздида ҳам, фақирнинг наздида ҳам буюкроқдир.

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийсий Кенгаши

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

Робохон МАХМУДОВА

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ

Наримон УМАРОВ

Муҳаммад АЛИ

Гавҳар АЛИМОВА

Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ

Зухра ИБРАГИМОВА

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Талъат МУРОДОВ

Абдуқамол РАҲМОНОВ

Собир ТУРСУНОВ

Бош муҳаррир: Исроҳ ҲАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Котибият — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан чиққа бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Масъул котиб — Абдуғани Содиқов

ISSN 2091-5217

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 501

Адади — 1944
Босишга топшириш вақти — 21.00
Босишга топширилди — 21.10
Баҳоноси келишилган нархда

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.